



**Ўзини Ўзбекистоннинг фарзанди ҳисоблаган ҳар бир киши унинг истиқболга дахлдорлик туйғуси билан яшайди. Президент сайловида юрт тараққиёти, халқимизнинг фаровон ҳаёти учун овоз беради!**

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
САЙЛОВИГА



8

КУН ҚОЛДИ!

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ! БИЗНИНГ НОМЗОДГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Қумқўрғон туман ҳокимлигининг мажлислар залида видеоқонференцалоқа тарзида ташкил этилган учрашувда туман ва шаҳарлардаги студиялар орқали 3 минг нафарга яқин сайловчи иштирок этди.

Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Турсунпўлат Норбоев очди.

Дастлаб номзоднинг ишончли вакили, партиянинг Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Чори Жумакулов йиғилганларни Хатамжон Кетмоновнинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Шундан кейин сўз Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмоновга берилди.

Хатамжон Кетмонов ўз маърузасида дастлаб мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун жаҳонда умумэтироф этилган меъёрларга мувофиқ сайлов тизими шаклландиғанини қайд этди.



## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING МАЖЛИСИ

Жорий йилнинг 25 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Видеоқонференцалоқа шаклида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари, халқаро кузатувчилар, журналистлар иштирок этди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти бўйича мониторингнинг дастлабки натижалари қўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар жорий йилнинг 28 октябрдан бошлаб мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ўз ғоя ва қарашлари, таклиф ва ташаббуслари ақс этган сайловолди дастурларини сайловчилар, умуман, кенг жамоатчиликка етказишга йўналтирилган ташвиқот тадбирларини олиб бормоқда. Сайловолди ташвиқотини олиб боришда, жумладан, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланишда номзодларга тенг шартли таъминланмоқда.

Номзодлар Ўзбекистон Миллий телерадиоканалининг «Ўзбекистон» ва «Ешлар» телерадиоканаллари, ҳудудий теле ва радиоканалларда тақдим этилган бепул эфир вақти, шунингдек, «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Нурлы жол» ва «Овози тожик» газеталари, ҳудудий газеталарда ажратилган бепул нашр майдонидан ташвиқот мақсадида самарали фойдаланмоқда.

Номзодлар ва оммавий ахборот воситалари «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тўғрисида»-ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 3 октябрдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқотини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом талабларига қатъий амал қилиб келмоқда. Сайловолди ташвиқотининг ўтган даврида сайлов қонунчилиги бузилиши ҳолатлари қайд этилмади.

Мажлисида овоз беришга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш масалалари ҳам қўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини амалга ошириш доирасида барча бўғиндаги сайлов комиссиялари томонидан фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан катта иш олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун сайлов участкалари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларидаги ваколатхоналари ҳузурида 44 сайлов участкаси тузилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Ҳар бир сайлов участкасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳақида ахборот мавжуд. Участка сайлов комиссиялари томонидан сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Телерадиоканалларда сайлов санаси ҳақида инфорацион роликлар, муддатидан олдин овоз бериш, сайлов куни овоз бериш тартиби, сайлов бюллетени, шунингдек, участка сайлов комиссияларининг сайлов кундаги фаолияти ҳақида кўрсатув, видеоролик, эшиттиришлар эфирга узатилмоқда.

Бугунги кунда сайлов куни ўз яшаш манзилида бўлиш имконияти йўқ сайловчилар учун муддатидан олдин овоз бериш жараёни давом этмоқда. Сайлов куни овоз бериш жараёни онлайн режимида кузатиш, мамлакатимиз ҳудудлари билан видеоалоқа орқали мулоқот олиб боришни таъминлаш мақсадида ягона компьютер тармоғи яратилган. Жамоатчиликни сайловнинг бориши ҳақида хабардор қилиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов куни, яъни 4 декабрда онлайн брифинглар ўтказилди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссияси ваколатига тегишли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Б.БОЗОРОВ,  
ЎЗА мухбири.

## «ҲАР БИР ИНСОН УЧУН МУНОСИБ ИШ ҲАҚИ»

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов сурхондарёлик сайловчилар билан учрашди

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хатамжон Кетмоновнинг ишончли вакили А.Аҳмедов Навоий вилояти Хатирчи тумани сайловчилари билан учрашди.

### ИШОНЧЛИ ВАКИЛ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Ишончли вакил сайловчиларни Хатамжон Кетмоновнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди.

Вакил Президентликка номзоднинг дастурида белгиланган муҳим жиҳатларни қайд этар экан, қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш, имтиёзли ва бепул малакали тиббий-санитария хизмати кўрсатилишини тартибга солуви қонун ва ҳужжатлар ижроси устидан тизимли назоратни қўлайитириш, фармацевтика корхоналари ва дорихона муассасалари фаолияти ҳамда дори-дармон воситалари нархи устидан давлат ва жамоатчилик назоратини мустаҳкамлаш, дори воситалари рекламасини чеклаш каби муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Номзод дастурида истиқболли инвестиция ривожлантириш бўйича иштиқоз дастурлари ишлаб чиқишга малакали ўрта махсус ва олий маълумотли мутахассисларни жалб этиш ҳамда ҳудудий бандлик дастурлари билан ўзаро

боғлиқлиқни таъминлаш, ишчи кучи четга чиқиб кетишининг олдини олиш, бунинг учун аҳоли бандлигини таъминлашнинг мутлақо янги ва замонавий усуллари жорий қилиш, иш ўринлари ташкил этиш дастурининг сўзсиз бажарилиши устидан парламент назоратини қўлайитириш каби устувор вазифалар илгари сурилган.

Учрашувда халқ депутатлари Хатирчи тумани Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Р.Боймуродов, тумандаги 88-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби директори М.Саидхмедова, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди туман бўлими директори Ш.Жўраева ва бошқалар номзоднинг дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳусусида фикр билдирди.

Номзоднинг ишончли вакили сайловчиларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

Н.РАХИМОВ,  
ЎЗА мухбири.

### ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНГ!

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан йиғилишларда ҳамда сайловчилар учун қўлай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказиш бўйича тенг ҳуқуқ ва имкониятлар берилган.

## САЙЛОВ ШТАБЛАРИ

партиямиз ғояларини кенг ва самарали тарғиб этишга хизмат қилмоқда

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари томонидан Президент сайлови билан боғлиқ тадбирларни ва партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг сайловолди ташвиқотини юқори савияда ўтказиш учун қатор ишлар олиб боришмоқда. Бу борада партия ташкилотлари тизимида ташкил этилган сайлов штаблари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мазкур штаблар партия ташкилотларининг сайлов билан боғлиқ фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириб бормоқда.

— Сайлов штаблари зиммасига муҳим ташкилий-ҳуқуқий вазифалар юклатилган бўлиб, улар 4 йўналиш асосида фаолият кўрсатмоқда, — дейди **Ўзбекистон ХДП Марказий сайлов штаби раҳбари Рустам Комилов**. — Ҳусусан, сайлов штаблари Президентликка номзодга сайлов

кампаниясини ўтказишда ёрдам бериш, тарғибот ишларини олиб боришдан тортиб, номзоднинг жойлардаги учрашувларини ташкил этиш, унда сайловчилар томонидан қўйилаётган масалаларни таҳлил этишгача бўлган жараёни қамраб олади. Ҳозирда барча партия ташкилотларида 14 ҳудудий ҳамда минтақавий сайлов штаблари фаолият олиб бормоқда.

► Давоми 2-бетда.

### САЙЛОВЧИЛАР МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРМОҚДА

Сайлов кунда яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар ўз ҳуқуқидан фойдаланиб муддатидан олдин овоз беришмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-ги қонуннинг 31-моддасига кўра, фуқаролар сайлов куни яшаш жойида бўлмаслиги сабабларини кўрсатган ҳолда сайлов участкаларига мурожаат қилмоқда.

Нукус шаҳридаги 16-сайлов участкасига сайлов куни ўз яшаш жойида бўлмайдиган 3 сайловчи келиб, дам олиш ва хизмат сафари билан бошқа вилоятда бўлиши

туфайли ариза билан мурожаат қилди. Улар ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда муддатидан олдин овоз берди.

— Санаторийга даволашга кетаётганим боис, 4 декабрь куни сайловда иштирок эта олмайман, — дейди Р.Ботиров. — Шунинг учун сайлов участкасига келиб, комиссия аъзоларига мурожаат қилдим. Номзодларнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди

дастури билан яна бир бор танишдим, сўнгра сайлов ваъдасини олиб, яширин овоз бериш кабинасида ўзим танлаган номзод учун овоз бердим.

Муддатидан олдин овоз берган сайловчиларнинг ваъдасини олиб, яширин овоз бериш кабинасида ўзим танлаган номзод учун овоз бердим.

А.ОРИҚБОВ,  
ЎЗА мухбири.



### БУНЁДКОРЛИК — ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Хитой Халқ Республикаси Шандун провинциясининг бир гуруҳ журналистлари Фарғона вилоятида ижодий сафарда бўлдилар.

3

### ХАБАР

«Тошкент» сейсмик станциясининг маълумотига кўра, 2016 йил 25 ноябрь куни Тошкент вақти билан соат 19 дан 19 дақиқа ва 19 дан 25 дақиқа ўтганда икки марта ер силкинди. Зилзила маркази Тошкент шаҳридан 410 километр узоқликда, шарқий йўналишда, Хитой ҳудудига қайд этилди.

Ернинг силкиниши кучи Тошкентда 3, Наманганда 3-4, Андижонда 3-4, Фарғонада 4 балли ташкил этди.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида сейсмик фаоллик кузатилмади. Вайронгарчилик ва шикастланганлар ҳақида маълумот йўқ.

ЎЗА



БИЗДАН ОЗОД ВА  
ОБОД ВАТАН ҚОЛСИН■ Фаровонликни таъминловчи омиллardan бири яратилган  
янги иш ўринлари, ишлаб чиқариш қувватларидир.

**ЖАҲОН БАНКИ**  
Ўзбекистон  
энергетикаси ривож  
учун 150 миллион  
доллар ажратади

Жаҳон банки ижрочи директорлари кенгаши Ўзбекистон магистрал тармоқлар нимстанцияларини модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳаси учун 150 миллион доллар маблағ ажратилишини маълум қилди. Бу ҳақда Жаҳон банки сайтида маълум қилинди.

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи Ян-Петер Олтерснинг фикрига кўра, ҳукуматнинг муҳим институционал ва инфраструктуравий чекловларни бартараф қилишга қаратилган тадбирлар чоралари хусусий сектор самарадорлигини оширишга ёрдам беради ва муносиб ҳақ тўланадиган иш жойларини яратишга қўллаб-қувватлайди, бу эса ўз навбатида, иқтисодий ўсиш ва аҳолининг, хусусан, кам таъминланган оилаларнинг турмуш даражаси ошишига олиб келади.

Лойиҳага кўра, Тошкент шаҳрида 22 ва вилоятлардаги 10 нимстанция реконструкция қилинади. Ўрта кучлини 110 киловольтли мобил нимстанциялар ва магистрал электр тармоқларидаги узил-пишларни зудлик билан бартараф этишда зарур бўладиган қайта тиклаш тизимлари сотиб олинади.

САМАРҚАНД  
ВИЛОЯТИДА

туризм объектлари  
реставрация  
қилинади

Самарқанд вилоятида 2016-2017 йилларда 15 маданий ёдгорлик объектларини реставрация қилиш ва улар билан ёндош ҳудудларини ободонлаштириш бўйича ишлар амалга оширилади. Бу ҳақда «Ўзбектуризм» Миллий компанияси матбуот хизмати хабар қилмоқда.

Айни пайтгача 10 маданий ёдгорлик объекти, шу жумладан, «Афросиёб» музейи ҳамда яна бир музейни реставрация ва реконструкция қилиш бўйича ишлар якунланган. Рухобод макбараси деворлари мустаҳкамланди.

Ургут туманининг зиёратгоҳ жойларида санитар-гигиеник тармоқлар бунёд этилиб, 2 км. узунликдаги йўл таъмирланди, ресторан ва замонавий дам олиш масканлари қурилди.

Нуробод туманида Ҳазрати Довуд гори тўлиқ қайта тикланиб, атрофи ободонлаштирилди, сайёҳларга хизмат кўрсатиш иншоотлари бунёд этилди.

Сайёҳлик масканларини интернет тизими билан таъминлаш ишлари давом эттирилмоқда. Бугунги кунда аэропорт ва вокзал, шунингдек, Самарқанддаги Регистон мажмуаси ҳудудида Wi-Fi мавжуд.


## БУНЁДКОРЛИК — ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Хитой Халқ Республикаси Шандун провинциясининг бир гуруҳ журналистлари Фарғона вилоятида ижодий сафарда бўлдилар.

— Ушбу вилоятни танлаганимиз бежиз эмас, — дейди «Дажонг» газетаси (нашр кундалик бўлиб, ҳар бир сони 1 миллион 400 минг нусхада чоп этилади) бўлим мудири Ян Сючжоу. — Бундан икки минг йил аввал бу ерларда бўлган Хитой императорининг элчиси Чжан Цянь водий одамлари, уларнинг машғулоти, ўлка табиати ҳақида гоёт қизиқарли маълумотлар қолдирган. Биз Чжан Цянь таърифлаган манзиллар ва фарғоналикларнинг бугунги ҳаёти ҳақида туркум мақолалар ёзмоқчимиз.

Очиги, хитойлик ҳамкасбларимизнинг юртимизга, хусусан, Фарғонага бўлган қизиқишларидан бироз гурулландик. Негаки, водий иқтисодий салоҳияти, гузал табиати, манзаралари, меҳмоннавоз, ишбилармон одамлари билан сайёҳларнигина эмас, балки сиёсатчи, сармоядор, мутахассислар эътиборига ҳам тушган.

Бундан 20-25 йил аввал Фарғонада 2-3 тагина йирик корхона бўлиб, фақат пахта хомашёси етиштиришга ихтисослашган, субсидия олувчи вилоят эди.



Бугун эса Фарғона иқтисодий барқарор ривожланаётган ҳудудга айланди. Шу ўринда айрим рақамларга эътиборингизни қаратмоқчимиз.

2016 йилнинг тўққиз ойи якунига кўра, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8,9 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,1 фоизга ўсди. Ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми эса 124 фоизга ўсиб, 1 триллион 882,7 миллиард сўмни ташкил этди. Натижада маҳаллий бюджет даромадлари режаси 100,7 фоизга бажарилди.

Ҳўш, бу рақамлар замирида нима бор? Аввало, саноат корхоналарини янгидан ташкил этиш ёки модернизация қилиш, маҳсулотларнинг импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга чиқариш учун турли йўналишда ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар қабул қилинди.

Унга кўра, биргина Фарғона туманидаги «Ferghana Asiana» қўшма корхонасида

бизнеснинг улуши 63,9 фоизга (0,1 бандга ошган), хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг улуши 48,5 фоизга (0,4 бандга ошган) тенг бўлди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5 триллион 739,3 миллиард сўмга етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,1 фоизга ўсди. Ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми эса 124 фоизга ўсиб, 1 триллион 882,7 миллиард сўмни ташкил этди. Натижада маҳаллий бюджет даромадлари режаси 100,7 фоизга бажарилди.

Шунингдек, «Фарғона вилоятининг 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури» доирасида январь-сентябрь ойларида 2106 лойиҳанинг ишга туширилиши ҳисобига 17694 янги иш ўринлари яратилди.

Ижтимоий ҳимоя масалалари вилоят инвестицион лойиҳаларининг марказида бўлган. Ҳозиргача 167 лойиҳага 138 миллиард сўм сарфланди. 24 мактаб, 11 коллеж, 15 соғлиқни сақлаш, 28 болалар спорт объектлари, Саховат уйи, 6 олий таълим

3,7 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди, «Индорама Коканд текстиль»да 51,0 миллион долларлик инвестицион лойиҳа амалга оширилди, «Хумо тўқимачи» МЧЖда йилга 2,2 минг тонна калава ип, 1,0 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Булул текстиль», «Бешариқ тўқимачи» МЧЖларда ҳам маҳсулот сифати янада яхшиланди, ҳажми ошди.

Шунингдек, «Фарғона вилоятининг 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури» доирасида январь-сентябрь ойларида 2106 лойиҳанинг ишга туширилиши ҳисобига 17694 янги иш ўринлари яратилди.

Ижтимоий ҳимоя масалалари вилоят инвестицион лойиҳаларининг марказида бўлган. Ҳозиргача 167 лойиҳага 138 миллиард сўм сарфланди. 24 мактаб, 11 коллеж, 15 соғлиқни сақлаш, 28 болалар спорт объектлари, Саховат уйи, 6 олий таълим

тизимига тегишли иншоотлар тўлиқ фойдаланишга топширилди.

Шу йилнинг ўзида Фарғонадаги 22 массивда 1095 намунавий уй-жой қурилди. Янги ташкил топган маҳаллаларга 26,1 км. электр, 32,1 км. газ ва 37,6 км. ичимлик суви тармоқлари тортилди.

Шу ўринда вилоятда амалга оширилган гоёт муҳим бир лойиҳа ҳақида гапириш жоиздир. Осиё Тараққиёт Банки иштирокида Қўқон, Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва Риштон тумани марказида 263,1 км. янги тармоқ тортилди, 885 минг аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди.

Ўзбекистонда, жумладан Фарғона вилоятида ҳам халқаро ва давлат аҳамиятидаги йўллар асосан юқори мезонларга жавоб берадиган ҳолда қурилмақда. 2016 йилнинг ўтган давридагина 33,4 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 146,7 км. ички йўллар таъмирланди. 2017 йилда яна 144,3 км. ички йўллар созилави режалаштирилган.

— Вилоятни иқтисодий юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган ушбу хайрли ишлар ЎзХДП ғоялари, электорати манфаатларига мос келади, — дейди партия фаоли, вилоят Кенгаши депутати, Риштон туманидаги Мискин МФЙ раиси Дилором Назирова. — Зеро, фаровонликни таъминловчи омиллardan бири яратилган янги иш ўринлари, ишлаб чиқариш қувватларидир. Партиямиз «Вилоят кенгаши, депутатларимиз бандлик дастурлари ижросини изчил назорат қилиб келмоқда, бу борада ўз тақлифларини билдириб келмоқда.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## ■ ИСТИҚЛОЛ ИМКОНиятлари

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланаётган индустриал мамлакатга айланди. Инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмушини фаровонлаштириш масалаларига давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор берилмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъжирбаларидан маълумки, иқтисодиётни ривожлантиришнинг объектив қонуниятлари бор. Ҳар қандай мамлакатда иқтисодий салоҳият ва имкониятларни, миллий қадрият ва маънавий бойликларни тўла ҳисобга олувчи, мукаммал иқтисодий сиёсат ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилган тақдирдагина барқарор тараққиёт бўлади.

Мамлакатимиз мустақил тараққиётнинг дастлабки босқичида, яъни 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда асосий эътиборимиз марказлаштирилган маъмурий бўйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, қонунийлик базасини шакллантиришга қаратилди. Чунки эски тузум асосларидан қутулмай, янги қонуниятларни яратмай туриб, иқтисодиётни юксалтириш мумкин эмасди.

Бу борада қабул қилинган муҳим қонун ва маъёрий ҳужжатлар қаторида Фуқаролик, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» қонунлари қайд этиш мумкин.

Ислохотларимизнинг кейинги босқичида иқтисодиётни ислох қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустақам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислохотларининг орта қайтамаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусий мулкнинг ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳар бир хусусий

**Ҳар қандай мамлакатда иқтисодий салоҳият ва имкониятларни, миллий қадрият ва маънавий бойликларни тўла ҳисобга олувчи, мукаммал иқтисодий сиёсат ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилган тақдирдагина барқарор тараққиёт бўлади.**

мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишнинг даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Шу мақсадда 2012 йил 24 сентябрда бозор иқтисодиётининг негизги ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Шунингдек, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортқича бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида 2012 йил 20 декабрда «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун билан тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган руҳсат бериш тартиб-таомилларининг қатъий чекланган рўйхати ва турлари аниқ белгилаб қўйилди. Қонунда назарда тутилмаган ортқича руҳсатнома ва руҳсат бериш тартиб-таомилларининг қўлланилиши қонун билан қатъий тақиқланди.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида 2012 йил 26 апрелда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли миллий аъёнларимизга мос бўлиб, бандликни таъминлашда, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бундай бизнесни ташкил этишнинг қонунийлиги

базасини мустаҳкамлаш, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ҳамда янги иш ўринларининг очилишига олиб келди.

Сўнгги йилларда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши тобора ортиб бормоқда. Шунга қарама-дан, бу соҳа реал иқтисодиётимизда, авваламбор саноатда етакчи ўринни эгаллай олмапти. Ушбу вазифани ҳал этиш учун «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Бу қонун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўллари соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эҳтиёткорлик беришни кўзда tutади. Ушбу секторни кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, давлат буюртмаларини олиш, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар яратилди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни босқичма-босқич юксалтириш бўйича амалга оширилаётган барча ишлар, хусусан, хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан асосий мақсад халқимиз ҳаётини янада фаровонлаштириш ва давлатимиз куч-қудратини оширишдир.

**Ахбор ЭРАЛИЕВ,**  
Жиноят ишлари бўйича  
Зангиота туман суди судьяси,  
Улугбек АБДУЛЛАЕВ,  
Юристар малакасини ошириш  
маркази тинловчиси.

ЎЗГАРАЁТГАН  
ДУНЁ

## ЕИ

## парламенти

Туркиянинг мазкур таъминот лотта аъзо бўлиш жараёнини вақтинчалик музлатиш ташаббусини қўллаб-қувватлади.



Европа парламенти Страсбургдаги йиғилишида Туркиянинг блокдаги аъзоларнинг вақтинчалик музлатишга доир ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бу ҳақда Daily Sabah нашри хабар берди.

Европарламент аъзолари мазкур масала юзасидан жорий музокараларнинг барчаси музлатилишини бир овоздан қўллаб-қувватлашди. Айтиш кераки, Туркия ва Европа Иттифоқи ўзаро муносабатлари кўп масалалар бўйича боши берк кўчага кириб қолган.

Эслатиб ўтамиз, Туркиянинг ЕИга аъзо бўлишига доир музокаралар 2005 йилда бошланган.

МИСРДА 7300  
ЙИЛЛИК  
қабр топилди

Археологлар Миср қадимий тарихига оид тасаввурларни анча кенгайтирувчи кашфиёт қилдилар. Нил дарёсининг ўрта оқимидаги Сохаг ҳудудида тахминан, эраимиздан аввалги 7300 йилга тааллуқли манзилгоҳ ва қадимий қабристонлар топилган, деб ёзади ТАСС ахборот агентлиги.

Қадимий шаҳар Абидосда мастаблар — дафн этиш ҳужраларига эга бўлган кесик пирамида шаклидаги сағаналар қазиб оқилган.

Миср Қадимий обидалар департаменти маълум қилишича, янги топилма мастаблар илк бор дунёга машҳур Саккара мажмуасида қурилганлигини шубҳа остига қўяди.

Археологлар Абидосда юқори мансаб эгаларининг бир-биридан шакли ва ҳатто жойлашуви ҳам фарқланувчи 15 шахмасини топди. Улардан баъзиларининг узунлиги 14 метрга етди.

БОЛИВИЯДА  
ҚУРҒОҚЧИЛИК  
САБАБ  
фавқулодда вазият  
эълон қилинди

Боливия Президентини қучли қурғоқчилик сабабли мамлакатда фавқулодда вазиятни эълон қилди. РИА Новости ахборот агентлиги хабарига кўра, рўй берган қурғоқчилик ва сув танқислиги мамлакатнинг деярли барча ҳудудини қамраб олган.

Боливия пойтахти Ла-Пасдаги сув таъминоти махсус жадал бўйича амалга оширилмоқда.

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
САЙЛОВИ КУНИ!

■ «Аҳоли бандлиги — ижтимоий ҳимоянинг энг  
мақбул йўли!»



# ХАТАМЖОН КЕТМОНОВГА

## ОВОЗ БЕРИНГ!



КЕКСАЛАРИМИЗНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ!

### ТАДБИР

Навий шахрида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси — 2016» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби аниқланди.

## МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ

Танлов шартига кўра, 11 нафар иштирокчи маънавият борасида эркин мавзуда ўз маҳоратини намойиш қилди. Шунингдек, қатнашчилар томонидан амалга оширилган ишлар бўйича фотолар ҳақлари намойиш этилди.

Ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, ғолиб бўлган вилоят Маънавият тарғибот бўлими етакчи мутахассиси Малоҳат Мансурова кўрик-танловнинг

мамлакат босқичида иштирок этадиган бўлди. Кўрик-танлов давомида «Ёш тарғиботчи», «Миллий қадриятлар тарғиботчиси», «Миллий ғоя ва мафкура тарғиботчиси», «Миллий анъаналар тарғиботчиси», «Адабиёт тарғиботчиси» каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди ва улар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

Илҳом САТТОРОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Самарқанд шаҳридаги «Дўстлик» номли 20-мактабга таълим муассасасининг давлат стандартлари асосида жаҳон андозаларига мос жиҳозлар билан таъминлаш, уларни сотиб олиш мақсадида мутасаддилар томонидан лойиҳа тайёрланиб, Япониянинг «Инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кичик миқёсда ижтимоий лойиҳаларга бегараз ёрдам дастури»га тақдим этилган эди.

## БОЛАЛАР БОҒЧАСИГА ЯПОНИЯ ГРАНТИ

Ана шу дастурга биноан ишлаб чиқилган лойиҳа бўйича мазкур даргоҳга тегишли миқдорда бегараз ёрдам кўрсатилиб, муассаса замонавий юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар билан жиҳозланди.

— Мазкур даргоҳда бугунги кунда 220 нафар тарбияланувчига «Болажон» таянч дастури асосида таълим-тарбия берилмоқда, — дейди муассаса мудири-си Жамила Жонназарова.

— Бу ерда келажагимиз эгалари бўлган болажонларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва етук бўлиб ўсиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Яқинда лойиҳа ижросини назорат қилиш учун келган дастур мутахассислари янги жиҳозларни кўздан кечириб, қониқарли ҳосил қилдилар.

Абдураҳул САТТОРОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

### ФУТБОЛ

## «ЛОКОМОТИВ» — ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ!

КУНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН XXV МИЛЛИЙ  
ЧЕМПИОНАТИ ОЛИЙ ЛИГА ЖАМОАЛАРИ  
МАВСУМНИ ЯКУНЛАШДИ.

Эътиборли жиҳати, бу йилги мусобақаларда ғолиб ва совриндорлар номи мавсум якунланишига бир неча тур қолганида маълум бўлди. Чемпионатнинг омадсиз жамоаси эса охириги турдан сўнг маълум бўлди.

Осиё чемпионлар лигаси баҳсларида чорак финалгача муваффақиятли иштирок этган Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси ўз тарихида биринчи марта мамлакат чемпионлигига айланди. 29-турда ўз майдонида Бекободнинг «Металлург» жамоасидан йирик ҳисобда 4:1 устун келган темирйўлчилар олтин медалга сазовор бўлишди.

Мавсум тўпурарлари баҳсида «Локомотив» жамоаси ҳужумчиси Темурали Абдухаликов чемпионат давомида рақиблари дарвозасини 22 бор ишғол этиб, барчани ортада қолдирди. Бу борада «Металлург» жамоаси вакили Зоҳид Абдуллаев (18 тўп) иккинчи натижани қайд этди.

Чемпионат якунида «Бунёдкор» ҳамда «Насаф» жамоалари бир хил — 63 тадан очко тўплади. Аммо бу жамоаларнинг ўзаро учрашувида (1:0, 1:1) устунликка эришган бунёдкорчилар қумуш, қаршиликлар эса бронза медали билан тақдирланган бўлишди.

Хабарингиз бор, икки йилдирки, олий лигада сўнгги погонани эгаллаган жамоа қуйи лигада тушиб кетиши белгиланган. Ўн бешинчи ўриндан жой олган клуб эса биринчи лигада иккинчи поғона соҳиб бўлиб ўтиш ўйинида иштирок этди.

Жорий йилги мавсумда мазкур омадсиз жамоа номи аниқлаш охириги тургача

давом этди. Бу борада кураш асосан «Обод» (Тошкент), «Навбахор» (Наманган) ҳамда «Андижон» футболчилари ўртасида борди. Охириги турда ўз майдонида наманганликларни мағлуб (1:0) этган бўлса-да, андижонликлар туртинчи марта олий лигани тарк этишди. Бу икки жамоа бир хил — 23 очкодан жамғарди. Бироқ уларнинг ўзаро учрашувидаги (2:0, 0:1) тўплар нисбатига кўра, «Навбахор» футболчилари ўтиш ўйинида қатнашиш имкониятини сақлаб қолдилар.

Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси қарорига мувофиқ, олий лигага иккинчи йўлланмани берувчи баҳс 28 ноябрь кун пойтахтимиздаги Тошкент темирйўл муҳандислари институти стадионида бўлиб ўтди. Унда «Навбахор» вакиллари Наманган вилоятининг яна бир жамоаси «Норин» билан куч синашади.

Шу ўринда эслатиб ўтиш керакки, бу йилги мамлакат



биринчилиги ғолиби — «Динамо» (Самарқанд) футболчилари янги мавсумда олий лигада «Андижон» жамоаси ўрнини эгаллайди.

Куйида ўттизинчи тур натижалари билан танишинг: «Пахтакор» — «Обод» — 1:1, «Кўқон-1912» — «Олмалик» — 2:1, «Андижон» — «Навбахор» — 1:0, «Қизилқум» — «Сўғдиёна» — 3:1, «Металлург» — «Нефтчи» — 1:0, «Насаф» — «Машъал» — 2:0, «Бунёдкор» — «Локомотив» — 0:1, «Бухоро» — «Шўртан» — 3:1.

Эркин ХОЛБОБО,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

### ЯКУНИЙ ЖАДВАЛ

|                  | Ю  | Д | М  | Т-Н   | Очко |
|------------------|----|---|----|-------|------|
| 1. «Локомотив»   | 23 | 5 | 2  | 77-24 | 74   |
| 2. «Бунёдкор»    | 18 | 9 | 3  | 46-13 | 63   |
| 3. «Насаф»       | 19 | 6 | 5  | 60-24 | 63   |
| 4. «Бухоро»      | 17 | 7 | 6  | 42-27 | 58   |
| 5. «Пахтакор»    | 15 | 7 | 8  | 49-30 | 52   |
| 6. «Қизилқум»    | 14 | 8 | 8  | 41-32 | 50   |
| 7. «Металлург»   | 14 | 7 | 9  | 47-34 | 49   |
| 8. «Машъал»      | 11 | 5 | 14 | 35-41 | 38   |
| 9. «Шўртан»      | 11 | 2 | 16 | 43-56 | 35   |
| 10. «Сўғдиёна»   | 9  | 7 | 14 | 23-41 | 34   |
| 11. «Нефтчи»     | 9  | 4 | 17 | 28-43 | 31   |
| 12. «Кўқон-1912» | 8  | 5 | 17 | 31-55 | 29   |
| 13. «Олмалик»    | 8  | 2 | 20 | 40-57 | 26   |
| 14. «Обод»       | 6  | 6 | 18 | 25-51 | 24   |
| 15. «Навбахор»   | 6  | 5 | 19 | 37-66 | 23   |
| 16. «Андижон»    | 6  | 5 | 19 | 20-50 | 23.  |

### РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси  
Ташқи иқтисодий фаолият  
миллий банки

## Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мижозлари ва кредиторлари диққатига!

Ушбу хабар орқали Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 октябрдаги «Давлат улуши юқори бўлган акциядорлик жамиятларида айланмаларини маълум қилади.

Барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга  
муурожаат этиш мумкин:

100084, Тошкент ш., Амир Темурали шўх қўчаси, 101-уй.  
Телефонлар: (998-71) 234-90-60, (998-71) 235-90-60,  
факс: (998-71) 235-90-20.

Хизматлар лицензияланган.

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

«Ўзбекистон» овози газетасининг 2016 йил 6 август, 91-сонидан берилган эълондаги Марказий авария-диспетчерлиги хизмати корхонаси балансидаги давлат рақами 01/782КСА бўлган «ЗИЛ-431412ТСВ67» русумли автотранспорт воситаси ва давлат рақами 23-06ЕК бўлган «ТТЗ-80.10» русумли трактор техникаси ушбу ташкилотнинг 2016 йил 23 ноябрдаги 388-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005357

### МУАССИС:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

### TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV  
Ulug'bek VAFOYEV  
Rustam KAMILOV  
Saidkamol XODJAYEV

Muslihidin MUHIDDINOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV  
Farrux HAMROYEV  
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)  
Tat'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56  
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:  
100000, Toshkent,  
Matbuotchilar  
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot  
agentligida 0006-raqam bilan  
2007-yil 11-yanvarda ro'yatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.  
Korxonada mo'ljallangan: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va  
shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini  
ko'chirib bosish faqat tahririyat  
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159  
9867  
nuxxada  
bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220  
t — Tijorat materiallari  
O'za yakuni — 21:50  
Topshirilgan vaqti — 22:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
Obiddin MAHMUDOV  
Sahifalovchi-dasturchilar:  
Zafar BAKIROV  
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 5 6